

КОМПЬЮТЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ МУАММОЛАРИ

Абдуллаева Нафиса Назировна

Андижон давлат тиббиёт институти академик лицейи

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7370585>

Аннотация. Уибу мақолада автоматлаштирилган ўқув тизимларини қўллашининг баъзи бир муаммолари ёритиб берилган. Мақолада автоматлаштирилган ўқув тизимларини қўллашдаги ютуқ ва баъзи бир келиб чиқадиган муаммолар таҳлил қилинган.

Калим сўзлар: дидактик самара, электрон кўриниши, ўқув дастурлари, автоматлаштирилган ўқув жараёни, дастурий ўқитиши, самарали қайта алоқа.

ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ КОМПЬЮТЕРНЫХ ТЕХНОЛОГИЙ

Аннотация. В данной статье освещены некоторые проблемы применения автоматизированных систем обучения. В статье анализируется прогресс в применении автоматизированных систем обучения и некоторые возникающие проблемы.

Ключевые слова: дидактический эффект, электронный вид, учебные программы, автоматизированный процесс обучения, Обучение программированию, эффективная обратная связь.

EDUCATIONAL PROBLEMS OF COMPUTER TECHNOLOGIES

Abstract. This clause is devoted to problems automated Systems of training. In clause the organization is considered(examined) Lessons at application of the automated textbooks, And also advantage and lacks automated Systems of training.

Keywords: didactic effect, electronic kind, educational programs automated educational processes, program training, effective feedback.

Компьютерларни таълим соҳасига киритишдаги баъзи бир нотўғри ёндошишлар бу масалага негатив қарашларни барпо қилди. Булардан бири “Ҳамма нарсани техника хал қиласди” ғоясидир. Жуда ҳам кўплаб танқидий мақолалар пайдо бўлди. Компьютерга мўлжалланган ўқув дастурларининг 90% дан ортиқроғи “қониқарсиз” деган баҳо олди. Компьютер орқали ўқитиш жараёнини бутунлай қайта ташкил қилиш хақидаги фикрлар пайдо бўлди. Жумладан, Брусенцов Н.П. нинг “Микрокомпьютеры” (Москва, “Наука” нашриёти) деган китобида қўйида фикрлар мавжуд: “Аввало инсон қай тарзда билим олади ва унга компьютер қандай қилиб ёрдам кўрсата олишлигини аниqlаш зарур бўлади”.[1]

Иқтисодий жихатдан таълим самарадорлигини оширишнинг усулларидан бири бўлган ўқув гурухларини жуда ҳам майда бўлакларга бўлиб юбориш мумкин бўлмаганлиги учун ўқув жараёнини бошқариш функцияларини тўлиқ ҳолда компьютерга юклаб қўйиш мумкин деган фикрлар пайдо бўлди. Бундай ҳолда ўқитувчи бирор бир ўқувчи билан индивидуал ҳолда иш олиб боришга имконияти кўпаяди. Бошқа ўқувчилар билан эса бу вақтда компьютер иш олиб боради. Масалан “Наставник” (“Устоз”) таълим тизимини олиб кўрайлик. Бу ўқув тизими муаллифлари томонидан ўрганилаётган фан предметининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда ўқувчиларнинг дарс жараёнидаги ўзларининг тутишларининг турлича бўлиши хисобга олинган. Ўқувчилар томонидан ўрганилаётган материални эркин, турли хил ўқувчилар учун турли хил темпда ўзлаштиришларини хисобга олинган холат учун шароит яратилишини таъминлаш зарур бўлади. Буларни таъминлаш учун эса тизим бир қанча машқлар тўпламини таклиф қиласди. [2]

“Дидактик самара материални электрон кўринишида беришдан эмас, балки, ушбу материални қандай мазмунда берилишига боғлиқ бўлади” деган фикрни асосий бошланғич нуқта сифатида қабул қилиниши керак бўлади. Ўқув дастурларини асосан 8-32 ўқувчиларга мўлжаллаб чиқариш яхши самара беради.

Хозирга қадар автоматлаштирилган ўқув жараёнини ташкил қилиш учун компьютерларни сотиб олиш ва ўқув фаннинг бирор қисми учун ёзилган (ёки сотиб олинган) дастур кифоя қиласи деган фикрлар мавжуд. Бу холатда энг асосий нарса, ўқитиш жараёнининг услугубий ташкил қилиш хисобга олинмай қолади. Олдиндан яхшилаб ўйлаб олинган услубнинг ўйқлиги ўқувчилар ва талабаларда дастурни ишлатиш фақатгина тутгачаларни босишдан ва машқ натижаларини дафтарга кўчиришдангина иборат бўлиб қолади. Агар принтер мавжуд бўлмаса, натижаларни дафарга кўчириш анча вақтни талаб қиласи.

Дарс бошланишидан аввал ўқувчи ва талабаларга қўйидаги фикрни сингдириш зарур бўлади. Яъни таълим жараёнига компьютерларни қўллаш бирор бир “мода” га эргашиш эмас, балки, компьютерни бу жараёнда энг яқин ёрдамчига айлантиришдан иборатдир. Унинг дидактик потенциали жуда ҳам юкоридир. Аммо барибир маълум бир чегарада бўлади ва бу чегарани англай олиш керак бўлади.

Буни англаб олиш эса унчалик ҳам содда эмас. Буни хаттоки, баъзи бир ўқитувчилар ҳам тушуна олмайдилар. Маълумки ўқитиш жараёнини компьютерлаштириш биринчи марта Америка Кўшма Штатларининг ўқув юртларида амалга оширилган бўлиб, бу жараён энг ашаддий консерватив муаллимлар томонидан қаттиқ танқидга учраган. Улар баъзилари янги техникани ўрганиш ва улар билан ишлашга вақт сарфлашни хоҳламас эдилар. Бошқалари эса анъанвий ўқитиш воситаларидан воз кечишини истамас эдилар. Учинчилари бўлса, компьютер ўқитишни ўз зиммасига олса, ўзларининг кераксиз бўлиб қолишларидан қўрқардилар. [3]

Аммо шуни яна бир бор таъкидлаш керакки, компьютер хеч қачон ўқитувчининг ўрнини боса олмаган ва боса олмайди ҳам. Компьютер фақат ўқитувчига ассисент, ёрдамчи вазифасида бўлади. Компьютер ўз зиммасига энг майда, такрорланувчи жараёнларни олади ва шу билан бирга ўқитувчини бундай “зерикарли” ишлардан озод қилиб, асосий вақтни ижодий ишга сарфлашга имкон яратади. Ўқитувчи ўз вақтини ушбу предмет мавзусининг моҳиятини тўлароқ очишга ва уни ўқувчиларга қандай йўл, усул билан етказиб берилишини ташкил қилишга вақтини кўпроқ сарф қилишга яратилади. [2]

Маълумки компьютергача бўлган даврда ўқитишнинг асосий воситалари маъруза ва китоблардан иборат эди. Битта китобдан минглаб талаба ва ўқувчилар фойдаланишган бўлса, битта маърузани бир неча ўнлаб ўқувчи ва талабалар эшлишишган. Компьютер эса ўқитишни индивидуаллаштиришга имкон беради. Компьютер экрани олдида ўтирган талаба ёки ўқувчи ўзлари учун қулай бўлган темпда билим олишлари мумкин. “Аълочи” ўқувчи ва талабалар бошқа ўқувчи ва талабаларнинг уларга етиб олишларини кутиб турмайдилар. Улар нисбатан қийин бўлган масалаларни ечиш билан шуғулланадилар. Бошқа секин ўзлаштирувчилар эса ҳар бир бўлимга бир неча мартадан қайтиб ўтишлари имкони пайдо бўлади. Улар шу йўсинда аста секинлик билан мавзуларни тушуниб борадилар. Улар шу билан бирга “аълочи” ўқувчилар билан биргаликда шуғулланишларида хеч қандай психик босимга эга бўлмайдилар. Компьютер ҳар бирига индивидул топшириқ бера олиш хусусиятига эга. Керакли холатларда эса қўшимча

тушунтиришларни ташкил қилиш имкониятига эга. Бирор мавзуни тушунтириш учун шу предметнинг бошқа бўлимларига мурожаат қилиш мумкинлигини эслатиб ўтиши мумкин.

Ўқитишини бундай ташкил қилиш ўқитувчининг ўзига ҳам бир қанча талабларни кўяди. Улардан энг асосийларидан бири – бу компютер билан эркин муомала қила олишдир. Бундан ташқари педагог ўқитувчи ва талабаларнинг хар бир саволига тезда жавоб берадиган даражада реакцияга эга бўлиши керак. Педагог компютер билан нотўғри муомалада бўлаётганларни дарҳол тузатиб туриши керак. Бундан ташқари педагог учун энг қийини шундаки, ўқитишининг бундай усулида бериладиган саволлар ҳам турли ҳил мавзулар ва турли ҳил кўринишларда бўлади, чунки ўрганувчилар олдин айтиб ўтилганидек турли ҳил мавзуларни ёки бир мавзунинг турли ҳил бўлимларини ўрганаётган бўлиши мумкин. Жавобни компютердан тезда олишга ўрганиб қолган ўқувчи ва талаба педагогдан ҳам худди шундай тарзда дарҳол жавоб олишга интилади.

Шуларни хисобга олган ҳолда ўқув гурухларида нечтадан талаба ёки ўқувчи бўлиши керак деган савол пайдо бўлади. Энг оптималь миқдор ҳар бир ўқув гурухида 10 – 14 ўрганувчи бўлишидир.

Ўқув қўлланмаларини яратишида ҳам янгича ёндошиш зарур бўлади. Автоматлаштирилган ўқув жараёни оддий ҳолда “электрон дарсликни кўчириш” дан иборат бўлиб қолмаслиги керак “Дастурий ўқитиши” тажрибасининг негатив томонларини хисобга олган ҳолда, ундаги камчиликларни тузатиб бориш керак. Жумладан, “дастурий ўқитиши” нинг бошлангич жараёнларида бирор бир мавзуни ёки дарсликнинг бирор бўлимини электрон кўринишга келтириб қўйиш билан чегараланилган эди. Чунки тажрибаларнинг кўрсатишича компьютер экранидан матнни ўқишидан кўра уни китобдан ўқиши анча енгил кечади. [4]

Умуман олганда компьютерни қўллаб автоматлаштирилган ўқув жараёнини ташкил қилишда қуйидаги кўринишдаги услубий муаммолар келиб чиқиши мумкин:

- Ўқувчи ёки талаба ва педагог орасидаги самарали қайта алоқани ташкил қилишининг қийинлиги;
- Ўзлаштиришни назорат қилишининг қийинлиги;
- Компьютердан фойдаланиш хақидаги статик маълумотларнинг йиғишнинг қийинлиги;

Дастурий таъминотнинг (ўқув қўлланмалари, назорат саволлари ва этalon жавоблар) химоялашдаги муаммолар, яъни ушбу маълумотларнинг ўрганувчилар томонидан рухсатсиз кўчириб олинишилиги.

Демак электрон дарслик ёки ўқув дастури тайёрланишида имкон борича ушбу муаммоларни ҳал қилиб боришга тўғри келади.

REFERENCES

1. Брусенцев И.П. “Микрокомпьютеры”, Москва, издательство «Наука», 2005 год, 156 стр
2. Черемник С.В., Гиглавый А.В., Поляк Ю.В., Микропроцессоров к персональным ЭВМ, Москва, « Радио и связь » 2002 год, 288 стр.
3. И.И.Попов, П.Д.Хронцов, Н.В.Максимов. Выведение в сетевую информационные ресурсы и технологии. Учебное пособие Москва РПГУ 2001 год 207 стр.
4. Григорьев С.Г. Дринскум В.В. Учебник –шаг на пути система обучения «Информатизация образования». Сборник научных трудов «Проблемы школьного учебника» Научно-методическое издание Москва ИСМО РАО, 2005 йил 219-222стр.